

Аҳолини рўйхатга олишда қандай усуллардан фойдаланилади?



Сўров усули — рўйхатга олиш махсус анкетани тўлдириш, юзма-юз сухбат асосида, инспектор томонидан амалга оширилади. Бу Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ мамлакатларида қўлланилади.

Ўзи ҳисоблаш ва тўлдириш усули — махсус анкета рўйхатга олинувчи шахс томонидан тўлдирилади. Шунингдек, бунда бир оилада истиқомат қилаётган айнан бир нафар шахс фарзандлари ёки яқинлари учун тўлдириш мумкин. Рўйхатга оловчи инспектор эса анкетанинг тўлдирилишини назорат қиласи, холос. Бу усулдан Европадаги бир қатор давлатларда фойдаланилади.

Аралаш (анкетали) усул — махсус анкета рўйхатга олинувчилар манзилига поча ёки интернет орқали юборилади. Фуқаролар анкетани тўлдириб, статистика хизматига қайта жўнатади. Анкета келмаган манзилларга эса масъуллар юборилади. Ушбу усул камхаржлиги билан ажралиб туради. Бироқ амалда бу усул қутилган натижани бермаяпти.